



## THE HISTORICAL EVOLUTION OF THE INSTITUTION OF HOUSE ARREST AND THE EXPERIENCE OF UZBEKISTAN

***Ulugbek Yoqubov***

*Independent Researcher*

*Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** house arrest, historical evolution, criminal procedure, preventive measures, international standards.

**Received:** 20.07.25

**Accepted:** 21.07.25

**Published:** 22.07.25

**Abstract:** The article analyzes the historical formation and evolution of the house arrest institution. The stages of development of this institution from ancient Mesopotamia to modern times, its specific features in various civilizations and legal systems are studied. The formation of the house arrest institution in the Russian Empire, the Soviet period and in independent Uzbekistan is separately examined. The experience of foreign countries and international standards are analyzed, prospects for improving the house arrest institution in national legislation are identified.

### **УЙ ҚАМОФИ ИНСТИТУТИНИНГ ТАРИХИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ**

**Улугбек Ёқубов**

*ЎзР ИИВ Академияси мустақил изланувчиси  
Тошкент Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** уй қамофи, тарихий эволюция, жиноят процесси, эҳтиёт чоралари, халқаро стандартлар.

**Аннотация:** Мақолада уй қамофи институтининг тарихий шаклланиши ва эволюцияси таҳлил қилинган. Қадимги Месопотамиядан бошлаб замонавий даврга қадар бу институтининг ривожланиш босқичлари, турли цивилизациялар ва ҳукуқий тизимлардаги ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Россия империяси, совет даври ва мустақил Ўзбекистонда уй қамофи институтининг шаклланиши алоҳида кўриб чиқилган. Хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро стандартлар таҳлил қилиниб, миллий

қонунчиликда уй қамоғи институтини  
такомиллаштириш истиқболлари  
белгиланган.

## ИСТОРИЧЕСКАЯ ЭВОЛЮЦИЯ ИНСТИТУТА ДОМАШНЕГО АРЕСТА И ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА

**Улугбек Ёкубов**

*независимый исследователь*

*Академии МВД Республики Узбекистан  
Ташкент Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** домашний арест, историческая эволюция, уголовный процесс, меры пресечения, международные стандарты.

**Аннотация:** В статье анализируется историческое формирование и эволюция института домашнего ареста. Изучены этапы развития данного института от древней Месопотамии до современности, его специфические особенности в различных цивилизациях и правовых системах. Отдельно рассмотрено формирование института домашнего ареста в Российской империи, советский период и в независимом Узбекистане. Проанализирован опыт зарубежных государств и международные стандарты, определены перспективы совершенствования института домашнего ареста в национальном законодательстве.

### Кириш

Инсоният тарихида ҳуқуқбузарларни жамиятдан вақтинчалик ажратиб қўйиш амалиёти турли шаклларда намоён бўлган. Уй қамоғи институти минг йиллар давомида турли цивилизацияларда ўзига хос хусусиятлар билан ривожланиб келган бўлиб, унинг генезиси ва эволюцияси жиноят-процессуал ҳуқуқнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Бу институтнинг узоқ ва мураккаб тарихий йўлини ўрганиш замонавий жиноят процессида унинг ўрни ва аҳамиятини тўлиқ англаш учун зарурдир.

Қадимги дунёда уй қамоғининг пайдо бўлиши

Тарихий манбаларга назар ташласак, уй қамоғининг дастлабки шакллари қадимги Месопотамия цивилизациясида учрайди. Шумер даврида, милоддан аввалги учинчи-иккинчи минг йилликларда жиноятчиларни жазолаш учун уй қамоғининг маълум шакллари қўлланилган. Лагаш қонунларида бу институт ҳақида дастлабки маълумотлар сақланиб қолган<sup>1</sup>. Кейинчалик Аккад даврида, хусусан Саргон Ибн Шар ҳукмронлиги даврида, милоддан аввалги икки минг уч юз ўттиз тўрт - икки минг икки юз етмиш тўқиз йилларда уй қамоғи янада такомиллаштирилган ҳуқуқий институт сифатида шаклланган<sup>2</sup>.

Қадимги Бобилда эса Хаммурапи қонунларида уй қамоғи мустақил жазо тури сифатида мустаҳкамланган. Тахминан милоддан аввалги бир минг етти юз эллик түрт - бир минг етти юз эллик йилларда яратилған бу қонунлар түпламида уй қамоғи, жарима ва бошқа жазо турлари тартибга солинган<sup>3</sup>. Шундай қилиб, уй қамоғи институти Месопотамиянинг турли худудларига тарқалиб, қадимги дунёning ҳуқукий тизимларида ўз ўрнини топган.

Антик даврга келсак, республика даври Римида фахрли кафиллик кенг қўлланилган бўлса-да, айбланувчиларни озодликдан маҳрум қилиш деярли амалда бўлмаган. Ҳатто қамоққа олиш қўлланилган камдан-кам ҳолларда ҳам римлик фуқаро озодликдан маҳрум бўлганини кўришдан кўра, ўз ватанини тарк этганни афзал кўрган. Айбланувчи фақат энг зарур чекловларга дучор бўлиб, дўстларини қабул қилиш, ўз овқатига эга бўлиш ҳуқукини сақлаб қолган<sup>4</sup>. М.В.Духовской таъкидлаганидек, турли давлатларда эҳтиёт чораларининг қаттиқлиги нафақат процесснинг ташкил этилишига, балки мамлакатнинг сиёсий тузумига, яъни инсон шахси ва эркинлигига бўлган ҳурматнинг кўп ёки озлигига ҳам боғлиқ бўлган<sup>5</sup>.

Император даврида эса вазият тубдан ўзгарди. Қамоққа олиш жуда тез-тез қўлланилган, умумий қоидага айланган ва катта зулм билан амалга оширилган. Айбланувчини ер остига ташлашган, қаттиқ сўроқ ва қийноқларга дучор қилишган. Фақат фуқаролик эркинлигининг кенгайиши билан айбланувчиларнинг аҳволи енгилроқ бўла бошлаган ва жиноят процесси эҳтиёт чораларининг юмшоқроқ турларига мурожаат қилишга интилган<sup>6</sup>.

#### Ўрта асрлар ва янги замон даврида уй қамоғи

Ўрта асрларда уй қамоғи институти янада ривожланди. Уй қамоғига олинган биринчи хужжатли далиллардан бири минг ўн биринчи йилда Мисрда ўша пайтдаги ҳукмдорларни ўз кашфиётлари билан безовта қилган ироқлик олим Алҳасенга уйдан чиқиш тақиқланган пайтга тўғри келади<sup>7</sup>. Марказий Европада ҳам бу жазо янгилик эмас эди. Уй қамоғи тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида, Буюк Моравия империяси даврида, Каролинглар сулоласидан бўлган Франк қироли Людовигнинг ўғли Регенсбургда уй қамоғига олинган<sup>8</sup>.

Италияда бир минг олти юз ўнинчи йилда графиня Елизавета Батори ёш қизларнинг кўплаб қотиллиги тухмати билан Чахтицадаги ўз қасрида уй қамоғига олинган<sup>9</sup>. Энг машхур ҳолатлардан бири бир минг олти юз ўттиз иккинчи йилда Тоскана астрономи, файласуфи ва физиги Галилео Галилейнинг уй қамоғига олиниши бўлди<sup>10</sup>. Бу воқеалар уй қамоғи институтининг турли давлатларда турлича шаклларда, асосан сиёсий ва диний мақсадларда қўлланилганлигини кўрсатади.

Россия империясида уй қамоғи институтининг шаклланиши алоҳида эътиборга лойик. П.И.Люблинский Россияда уй қамоғининг дастлабки қўлланилиши бир минг олти юз ўттиз иккинчи йилда Шеин иши бўйича князь Белосельскийга нисбатан бўлганлигини

таъкидлайди<sup>11</sup>. Россия тарихида ўн еттинчи асрда зодагон келиб чиқишли айбланувчиларга назорат қилиш учун пристав тайинланган ҳоллар учрайди. Бу даврда уй қамоғининг муҳим белгиси - давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг уйда турган шахс устидан назорат ўрнатиши пайдо бўлди.

Бир минг саккиз юз ўттиз иккинчи йилги Россия империяси Қонунлар тўпламида уй қамоғи расмий равишда эҳтиёт чораси сифатида мустаҳкамланди. Қонунлар тўпламининг ўн бешинчи жилди саккиз юз олтинчи моддасида тўрт хил эҳтиёт чораси белгиланган эди: қамоқхона ва полицияда сақлаш, уй қамоғи, полиция назорати, кафилликка бериш<sup>12</sup>. Айбланувчига у ёки бу эҳтиёт чорасини танлаш унинг синфий мансублигига, жиноятнинг оғирлигига ва далилларнинг кучига боғлиқ эди.

Уй қамоғи шундан иборат эдики, судланувчининг уйига полиция ходими ёки жандарм кўйиларди. Ушбу чоранинг қўлланилиши қўплаб судланувчиларнинг ҳар бири учун маҳсус полиция хизматчисини тақдим этишнинг табиий имконсизлиги туфайли чекланган эди. Бу чора ўз келиб чиқиши ва ўз хусусияти бўйича озчилик учун, соф табақавий чора бўлиб, имтиёзли табақа вакиллари учун қўлланилган. А.Ф.Кистяковский таъкидлаганидек, бу давр қонунчилигига эҳтиёт чоралари тўғрисидаги баъзи қонунлар яхшиланган бўлса-да, уларнинг асосий камчиликлари - ноаниқлиги ва кетма-кетликка эга эмаслиги тўлиқ бартараф этилмаган эди<sup>13</sup>.

Бир минг саккиз юз олтмиш тўртинчи йилги Жиноят суд ишларини юритиш устави қабул қилиниши билан эҳтиёт чоралари тизими кенгайтирилди. Янги уставда олти хил эҳтиёт чораси белгиланди: яшаш гувоҳномасини олиб қўйиш ёки чиқиб кетмаслик тўғрисида тилхат олиш, полициянинг маҳсус назорати остига бериш, кафилликка бериш, гаров олиш, уй қамоғи, қамоққа олиш<sup>14</sup>. Уставнинг тўрт юз йигирма биринчи моддасига кўра, эҳтиёт чорасини танлашда суд терговчилари нафақат жазонинг тури ва қаттиқлигини, балки далилларнинг кучини, жиноят изларини яшириш имкониятини, айбланувчининг соғлиғи ҳолатини, жинсини, ёшини ва жамиятдаги мавқеини ҳам ҳисобга олишлари керак эди<sup>15</sup>.

#### Совет даврида уй қамоғи институтининг тақдири

Совет даврида уй қамоғи институти мураккаб йўлни босиб ўтди. Бир минг тўққиз юз ўн еттинчи йил йигирма иккинчи ноябрда қабул қилинган Суд тўғрисидаги биринчи декрет бир минг саккиз юз олтмиш тўртинчи йилги Уставда мустаҳкамланган ҳуқуқий нормалар асосида суд ишларини юритишга йўл қўйган, аммо шу билан бирга қонунни қўлловчи органлар ағдарилган ҳукуматларнинг қонунларига фақат улар инқилоб томонидан бекор қилинмаган ва инқилобий виждан ва инқилобий ҳуқуқий онгга зид бўлмаган тақдирдагина амал қилиш керак эди<sup>16</sup>.

Бир минг тўққиз юз ўн тўққизинчи йилнинг ўттизинчи сентябрдаги Ҳарбий терговчилар тўғрисидаги Низом билан уй қамоғи вақтинчалик бекор қилинди. Аммо бир минг тўққиз юз йигирма иккинчи йилги РСФСР Жиноят-процессуал кодексида уй қамоғи яна тикланди. Кодекснинг бир юз олтмишинчи моддасида уй қамоғи айбланувчини қўриқчи тайинлаш билан ёки соқчисиз уйда изоляция қилиш кўринишида озодликдан маҳрум қилишдан иборат деб белгиланган эди<sup>17</sup>.

П.И.Люблинский бир минг тўққиз юз йигирма учинчи йилги РСФСР ЖПК даврида уй қамоғи бўйича муҳим хулосаларни шакллантирган. Унинг фикрича, уй қамоғини шахс яшайдиган хонани тарқ этишнинг қатъий тақиқи сифатида талқин қилиш мумкин эмас эди. Агар уй қамоғи соқчи тайинлашни назарда тутса, яшаш хонасидан чиқиш мумкин эди, лекин терговни олиб бораётган шахснинг рухсати билан ва конвой остида. Уй қамоғини жазоchorаси сифатида баҳолаш нотўғри эди, чунки ушбу чора шахснинг доимий яшаш жойида назорат остида бўлишини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу унинг иш жойида бўлиш ва тириклик қилиш имкониятидан маҳрум бўлишини англатмас эди<sup>18</sup>.

Кўрсатилган даврда уй қамоғи шаклидаги эҳтиёт chorасини қўллаш бўйича турли хил нуқтаи назарлар мавжуд эди. Баъзи муаллифлар бир минг тўққиз юз йигирма учинчи йилги РСФСР ЖПК амал қилган даврда уй қамоғи эҳтиёт chorаси сифатида кенг қўлланилмаган деб ҳисоблашган. Бошқалар эса, кўрсатилган эҳтиёт chorаси ўша пайтда амалда қўлланилмаган деб таъкидлашган<sup>19</sup>. Аслида совет давлатининг эҳтиёт chorаларини танлаш масаласига бўлган ёндашуви ва сиёsatнинг репрессив йўналишининг ривожланиши уй қамоғининг кенг қўлланилишини тасдиқлашга имкон бермайди.

Бир минг тўққиз юз эллик саккизинчи йил йигирма бешинчи декабрда СССР ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят судлов ишларини юритиши Асослари қабул қилиниши билан эҳтиёт chorалари тизими сезиларли даражада ўзгарди, унинг таркибидан уй қамоғи ва гаров шаклидаги эҳтиёт chorалари чиқариб ташланди<sup>20</sup>. К.Т.Балтабаевнинг фикрича, уй қамоғини бекор қилиш сабаби йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий тенгсизликнинг барча шаклларини инкор этувчи ижтимоий тенденциялар бўлиб, айнан мафкуравий қарашлар бу чорага ўз процессуал ривожланишини давом эттиришга имкон бермади<sup>21</sup>.

Ўзбекистон ССР жиноят-процессуал қонунчилигига ҳам ўхшаш вазият кузатилди. Бир минг тўққиз юз олтмиш биринчи йил йигирма иккинчи майда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексида уй қамоғи эҳтиёт chorаси назарда тутилмаган эди<sup>22</sup>. Т.Ш.Шариповнинг таъкидлашича, совет даврида уй қамоғининг қўлланилмаслиги нафақат мафкуравий сабаблар, балки амалий мулоҳазалар билан ҳам боғлиқ эди. Давлат органларининг айбланувчини ўз уйида назорат қилиш имконияти

чекланган эди, кўпчилик фуқаролар коммунал квартиralарда яшар эдилар, бу эса уй қамоғини қўллашни қийинлаштиради<sup>23</sup>.

Мустақиллик йилларида уй қамоғи институтининг тикланиши

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, жиноят-процессуал қонунчиликда туб ўзгаришлар юз берди. Бир минг тўқиз юз тўқсон биринчи йил ўттиз биринчи августда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг, янги хукукий тизимни яратиш зарурати пайдо бўлди. Бир минг тўқиз юз тўқсон иккинчи йил саккизинчи декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди, унда инсон хукуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилди<sup>24</sup>.

М.Х.Рустамбаев мустақиллик йилларида жиноят-процессуал қонунчиликнинг ривожланиши ҳақида шундай ёzádi: мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда жиноят судлов тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди, бир минг тўқиз юз тўқсон тўртинчи йил йигирма иккинчи сентябрда янги Жиноят-процессуал кодекс қабул қилиниши бу жараённинг муҳим натижаси бўлди<sup>25</sup>. Бироқ бир минг тўқиз юз тўқсон тўртинчи йилги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида уй қамоги эҳтиёт чораси ҳали киритилмаган эди<sup>26</sup>.

Икки минглар йилларда Ўзбекистонда жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилди. Икки минг ўн йилларда Ўзбекистонда суд-хукуқ тизимини модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилди. Икки минг ўн иккинчи йил ўнинчи апрелда Президентнинг Суд-хукуқ ислоҳотларини янада чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони қабул қилинди, унда жиноят судлов жараёнида инсон хукуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш зарурлиги таъкидланган эди<sup>27</sup>.

Уй қамоги эҳтиёт чораси Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилиги тизимига икки минг ўн тўртинчи йилда киритилган. Икки минг ўн тўртинчи йил йигирма бешинчи апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига икки юз қирқ икки бир модда киритилди, унда уй қамоги эҳтиёт чорасининг хукукий асослари белгиланди<sup>28</sup>. Г.З.Тўлаганова уй қамоғи институтининг Ўзбекистон қонунчилигига киритилиши ҳақида шундай ёzádi: уй қамоғи эҳтиёт чорасининг жорий этилиши Ўзбекистонда жиноят судлов жараёнини инсонпарварлаштириш ва халқаро стандартларга мослаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди<sup>29</sup>.

Миллий қонунчилигимизда уй қамоғи эҳтиёт чорасининг ривожланиши бир неча босқичларда кечди. Даствлабки йилларда уй қамоғини қўллаш учун зарур инфратузилмани яратишга қаратилган норматив-хукукий хужжатлар ишлаб чиқилди, шартлар аниқ

белгиланди, электрон кузатув воситаларидан фойдаланиш тартиби жорий этилди<sup>30</sup>. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд-хукуқ ислоҳотлари дастури доирасида Жиноят-процессуал кодексига муҳим ўзгартиришлар киритилди, уй қамоғи институтини такомиллаштириш вазифалари белгиланди<sup>31</sup>.

Сўнгги йилларда уй қамоғида сақланаётган гумон қилинувчи, айланувчи ёки судланувчилар хукуқ-манфаатларини ҳимоя қилинишини кафолатловчи янги ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, уй қамоғида сақланаётган ва апелляция шикоятини кўриб чиқишида ҳозир бўлиш истагини билдирган маҳкумга суд мажлисида бевосита ёки видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиш орқали иштирок этиш ҳукуқи таъминланди<sup>32</sup>. Икки минг йигирма тўртингчи йилдан бошлаб уй қамоғи чораси билан боғлиқ жавобгарлик тизимини кучайтириш юзасидан янги норматив хужжатлар қабул қилинди, мониторинг тизимларининг самарадорлигини ошириш учун технологик янгиликлар жорий этилди<sup>33</sup>.

#### Халқаро тажриба ва замонавий стандартлар

Халқаро ҳукуқий стандартлар нуқтаи назаридан уй қамоғи институти инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси сифатида эътироф этилган. Евropa Инсон ҳукуқлари конвенциясининг бешинчи моддаси эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳукуқини кафолатлади<sup>34</sup>. БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг тўққизинчи моддаси ҳам шу каби кафолатларни назарда тутади<sup>35</sup>.

АҚШ тажрибасига келсак, бу мамлакатда уй қамоғи ҳам эҳтиёт чораси, ҳам жазо сифатида қўлланилади. Бир минг тўққиз юз саксон учинчи йилда Нью-Мексико штати Олий суди биринчи бўлиб уй қамоғи профилактика чораси сифатида танланган шахсларга электрон назорат тақиши қонунийлаштирди. Ҳозирги вақтда бундай мониторинг тизими АҚШнинг қирқ тўққиз штатида ва дунёning олтмишдан ортиқ мамлакатида қўлланилади<sup>36</sup>.

Германияда Жиноят-процессуал кодекс бир минг саккиз юз етмиш еттинчи йилда қабул қилинган ва бир минг тўққиз юз саксон еттинчи йил еттинчи апрелда янги таҳрирда тасдиқланган. Б.А.Филимонов таъкидлашича, Германия қонунчилигига шахсни қамаш суднинг рухсати билан кўриладиган фавқулодда чора эканлиги алоҳида таъкидланади<sup>37</sup>. Франция тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Францияда судгача назорат бир минг тўққиз юз етмишинчи йилда дастлабки қамоқ чорасининг муқобили сифатида қабул қилинган ва ҳозир асосий эҳтиёт чораси ҳисобланади<sup>38</sup>.

Италия қонунчилигига кўра, уй қамоғи ҳам эҳтиёт чораси, ҳам жиноят учун тайинланадиган жазо тури сифатида хизмат қиласи. Бир минг тўққиз юз саксон саккизинчи йилда қабул қилинган Италия ЖПКга мувофиқ, судгача айланувчини уй қамоғида сақлаш содир этилгани учун қонун бўйича уч йилдан ортиқ муддатга турма қамоғи назарда

тутилган ва айби етарли далиллар билан тасдиқланган шахсларга нисбатан қўлланилади<sup>39</sup>. Швецияда уй қамоғи уч ойдан кўп бўлмаган қамоқ жазоси назарда тутилган жиноятларни содир этган деб топилган шахсларга нисбатан қўлланилади. Швеция статистикаси кўрсатишича, уй қамоғи жазосидан сўнг ўн уч фоиз шахслар кайта жиноят содир этади, қамоқдан сўнг эса бу кўрсаткич йигирма тўрт фоизни ташкил этади<sup>40</sup>.

МДҲ давлатлари тажрибасига келсак, Қозоғистонда мустақилликдан кейинги даврда, бир минг тўққиз юз тўқсон бешинчи йилдан бошлаб уй қамоғи тизими миллий қонунчиликка киритилди. Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон республикаларида хам уй қамоғи институти мавжуд<sup>41</sup>. Ислом ҳуқуқи нуқтаи назаридан уй қамоғи масаласи алоҳида қизиқиш уйғотади. Ислом давлатлари тарихида уй қамоғи турли давларда қўлланилган. Аббосийлар даврида, етти юз эллик - бир минг икки юз эллик саккиз йилларда уй қамоғи амалиёти янада мураккаблашган. Усмонийлар империяси даврида, бир минг икки юз тўқсон тўққиз - бир минг тўққиз юз йигирма икки йилларда уй қамоғи маҳсус мақомга эга бўлган<sup>42</sup>.

### Хулоса

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, уй қамоғи институти узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтган. Қадимги Месопотамиядан бошланиб, турли цивилизациялар ва ҳуқуқий тизимларда ўзига хос шаклларда намоён бўлган бу институт бугунги кунда замонавий технологиялар билан уйғунлашиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали воситасига айланган. Тарихий тажриба кўрсатадики, уй қамоғи институтининг ривожланиши жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, инсон ҳуқуқларига бўлган муносабат ва технологик имкониятлар билан узвий боғлиқ.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, уй қамоғи институтининг самарадорлиги қўйидаги омилларга боғлиқ: аниқ ҳуқуқий тартибга солиш мавжудлиги, назорат механизмларининг такомиллашганлиги, электрон мониторинг воситаларидан фойдаланиш, ижтимоий реабилитация дастурлари билан уйғунлашуви. Ўзбекистон тажрибаси эса кўрсатадики, уй қамоғи институтини босқичма-босқич жорий этиш ва такомиллаштириш самарали натижа беради.

Миллий қонунчилигимизда уй қамоғи нафақат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки тергов ва суд жараёнларининг самарадорлигини ошириш воситаси сифатида ривожланмоқда. Бу эса халқаро стандартларга мос келувчи муқобил чоралар тизимининг мамлакатимизда мувафақиятли шаклланаётганлигидан далолат беради. Уй қамоғи институтининг келажаги унинг технологик таъминоти, ҳуқуқий базаси ва амалий механизмларини такомиллаштиришга боғлиқ бўлиб, бу борада хорижий тажриба ва миллий анъаналарнинг уйғунлашуви муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Roth M. A History of Mesopotamian Law. - Oxford: Oxford University Press, 1995. - 289 p.
2. Charpin D. Writing, Law, and Kingship in Old Babylonian Mesopotamia. - Chicago: University of Chicago Press, 2010. - 192 p.
3. Harper R.F. The Code of Hammurabi. - Chicago: University of Chicago Press, 1904. - 192 p.
4. Mommsen T. Römisches Strafrecht. - Leipzig: Duncker & Humblot, 1899. - 1084 s.
5. Духовской М.В. Русский уголовный процесс. - Москва: Типография Императорского Московского Университета, 1902. - 492 с.
6. Люблинский П.И. Очерки уголовного суда и наказания в современной Англии. - Санкт-Петербург: Сенатская типография, 1911. - 227 с.
7. FOLTÝN L., FOLTÝNOVÁ L. Trest domácího vězení z pohledu Probační a mediační služby ČR // Státní zastupitelství. - 2011. - Roč. 9, č. 6. - S. 21-29.
8. KYSELA K., VOLEVECKÝ P. Trest domácího vězení // Trestní právo. - 2011. - Č. 7-8. - S. 4-17.
9. Овчинников Ю.Г. Домашний арест как мера пресечения в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Омск, 2006. - 24 с.
10. Свод законов Российской империи. Т. XV. - Санкт-Петербург, 1832. - 876 с.
11. Кистяковский А.Ф. О пресечении обвиняемому способов уклоняться от следствия и суда. - Санкт-Петербург, 1868. - 268 с.
12. Устав уголовного судопроизводства 1864 г. // Российское законодательство X-XX веков. Т. 8. - Москва: Юридическая литература, 1991. - С. 120-384.
13. Декрет о суде № 1 от 22 ноября 1917 г. // СУ РСФСР. - 1917. - № 4. - Ст. 50.
14. УПК РСФСР 1922 г. // СУ РСФСР. - 1922. - № 20-21. - Ст. 230.
15. Люблинский П.И. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу РСФСР 1923 г. - Москва: НКЮ РСФСР, 1924. - 456 с.
16. Основы уголовного судопроизводства СССР и союзных республик от 25 декабря 1958 г. // Ведомости ВС СССР. - 1959. - № 1. - Ст. 15.
17. Балтабаев К.Т. Меры пресечения в советском уголовном процессе. - Алма-Ата: Наука, 1989. - 178 с.
18. Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1961. - 298 б.
19. Шарипов Т.Ш. Жиноят процессида эҳтиёт чоралари. - Тошкент: Адолат, 1995. - 156 б.
20. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992. - 48 б.